

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**Иқтисодиёт факультети Иқтисодиёт йўналиши 461-
гуруҳ талабаси Жаҳонгиров Шухратнинг “Қишлоқ
хўжалик корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва
бошқариш” фанидан**

*“Деҳқон хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий
асослари” мавзусида тайёрлаган*

Курс иши

Тайёрлади:

Жаҳонгиров Ш.

Текширди:

Турсунов И.

ҚАРШИ - 2016

Мундарижа

Кириш

I-Боб. Деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий – илмий асослари

- 1.1. Деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти
- 1.2. Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари

II Боб. Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

- 2.1. Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш тартиби
- 2.2. Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ҳолати.
- 2.3. Деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси.

III Боб. Деҳқон хўжаликларини истиқболда ривожлантириш йўллари.

- 3.1. Деҳқон хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ошириш йўллари.
- 3.2. Деҳқон хўжаликларининг ривожлантириш истиқболлари.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мамлакатимизда айнан деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигидаги уларнинг ўрни ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мустаҳкамланиб бормоқда. Аграр соҳада деҳқон хўжаликларини янги уклад сифатида шакллантириш ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш билан бирга бошқа мулкчилик турларига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналари билан маълум даражада рақобат муҳитини яратди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...Мақсад – қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак...”¹. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдириш ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кўпроқ деҳқон хўжаликлари фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Республикамизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар асосан халқимиз турмуш даражасини яхшилашга, фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу маънода айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига берилаётган катта эътибор мантиқан ҳисобласак, тўғридир.

1998 йил 30 апрелда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши билан аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг мақомини аниқлаштириш, уларнинг муваффақиятли фаолият юритишини таъминлашнинг қонуний механизмлари такомиллаштирилди. Бунинг натижасида эса:

-аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари деҳқон хўжалиги сифатида қайта номланди ҳамда унинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди;

-деҳқон хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, мақоми, ташкилий-иқтисодий асослари ва унинг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги хусусиятлари аниқланди;

-“Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонуни уларни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизми белгилаб берилди.

Республикада 2005 йил охирида 5 млн.га яқин деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 7,2 млн.тага етди ва бунда ажратилган ер майдонлари ҳам, уларда иш билан банд бўлганлар сони ҳам йилдан-йилга ортди. Жумладан, деҳқон хўжаликлари мамлакатимизда тайёрланаётган сабзавотнинг 92,1 % ини, картошканинг 90,2 % ини, меванинг 92,3 % ини, сутнинг 90,2 % ини, гўштнинг 91,1 % ини етиштирмоқдалар, бу эса бошқа хўжалик юритиш субъектларига нисбатан ҳар гектаридан 1,3-1,5 баробар кўп ҳосил олинаётганини билдиради.

Деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдони мамлакатимизда 700 минг гектардан ошиқроқни, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 млнга яқин кишини ташкил этган (2005 й). 2010 йилда эса бу кўрсаткичлар яна 2,2 баробар ўзгарган. Хусусан Қашқадарё вилоятида 2005 йилда 438418 та деҳқон хўжаликлари

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996 й., 198-бет

ташкил этилган бўлиб, шундан юридик мақомга эга бўлганлари 27088 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 456223 та деҳқон хўжалиги (31000 дан ортиғи юридик мақомга эга) фаолият юритмоқда. Уларга ажратилган ер майдони 76,3 минг гектарни ташкил этиб, вилоятда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотда 35,1 % ни (2005 йил) ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб 85 минг гектар ер деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади ва қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулотдаги улуши 68,2 %ни ташкил этмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, «...биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда»³.

Юқорида қайд этилганлар деҳқон хўжаликларининг самарадорлигини ошириш зарурияти ва уларни янада ривожлантириш, чорвачилик соҳасидаги салмоғини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ушбу мавзунинг долзарблигини ва уни тизимли шаклда чуқур тадқиқ этишни тақозо этади.

I-Боб. Деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий – илмий асослари

1.1. Деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, жамиятнинг модернизациялашуви, демократик жараёнларнинг ривожланиши ва кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ва унда олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли самарали кечаётганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга эътибор берилмоқда.

Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш янги хўжалик юритиш шаклларига ўтиш ва уни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш борасидаги бир қатор чора-тадбирлар орқали намоён бўлмоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош бўғини – мулкый муносабатлар ҳисобланади. Ҳақиқий бозор муносабатлари ҳукмрон бўлган шароитда ҳар бир шахснинг мулкый ҳуқуқи табиий зарур меъёр ҳисобланади. Мулкый ҳуқуқ эса жамиятнинг

² Қашқадарё вилоят статистика қўмитаси маълумотларидан олинди

³ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилнинг якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ВМ мажлисидаги маърузаси-Т.: Ўзбекистон, 2011. – 26 б.

ижтимоий-иқтисодий негизи бўлиб, бу ҳуқуқ мулк эгаларига берилади. Мулкый муносабат ҳар доим ҳар қандай жамиятнинг асосий иқтисодий муносабат шаклидир. Бозор иқтисодиётига асосланган тизим турли мулк шакллари учун бир хил ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратишни талаб этади.



1.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг босқичлари

Ўзбекистон Республикаси жаҳонга аграр фаолият билан машҳур бўлган ёш давлат экан, мустақил бўлган давридан то ҳозирги кунгача амалга оширган иқтисодий ислохотларининг илк босқичи мулкый муносабатларга бағишланди. Мустақилликнинг илк йиллари, яъни 1990-1996 йиллар бозор муносабатларига ўтишнинг фундаментал асослари яратилди ва бу даврда шундай бозор ислохотлари шаклландики, улар хўжалик юритишнинг турли шакллари ривожлантиришга қаратилди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Ислохотларнинг биринчи босқичи (1990-1995 йиллар) қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилишига бағишланди. Бу даврда асосан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилувчи Қонунлар қабул қилинди. Булар жумласига “Ер тўғрисида” (1990), “Кооперативлар (ширкатлар) тўғрисида” (1991), “Ижара тўғрисида (1991)”, “Дехкон хўжалиги тўғрисида” (1992) Қонунлари киради. Улар кўп укладли иқтисодиётни

шакллантиришга шарт-шароит яратиш билан бирга, фермер хўжаликларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бозор ислохотларининг иккинчи босқичи (1996-2000) га аграр секторнинг бир нечта йўналишлари бўйича ислох қилишга қаратилди. Бу даврда бозор иқтисодиётидаги ислохотларни чуқурлаштириш учун ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, Кодекслар қабул қилинди. Худди шу босқичда “Фермер хўжалиги тўғрисида” (1998), “Дехқон хўжалиги тўғрисида” (1998) Қонунлари алоҳида-алоҳида қабул қилинди.

2001 йилдан буён ҳозирги кунга қадар бозор ислохотларининг учинчи босқичи бошланиб давом этмоқда. Бу босқичнинг афзаллиги шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш эркинлиги ва иқтисодий ҳуқуққа кенг йўл очиб берилди. Шунингдек, замон талабига, қолаверса, деҳқон ва фермер хўжаликлари талабига жавоб берувчи замонавий, энг янги хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, паст рентабелли ва зарар билан ишловчи қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта тузиш орқали уларнинг негизида деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди (1.1.1-расм).

Қишлоқ хўжалигини ислох этишнинг илк босқичида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш қилиб – шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланган эди. Бунда 1989-1990 йиллар давомида 1,5 млн дан ортиқ оила томорқа участкалари (майдонлари) нинг ҳажми кенгайтирилди, 580 минг оила ер участкалари билан таъминланди. Шу даврда аҳолига 183 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ер майдонлари ажратилди. 1991 йил январ ойида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан қўшимча 108,5 минг гектар суғориладиган ерлар ажратилиб, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг фойдаланадиган майдони 1991 йилнинг охирларида қарийб 500 минг гектарни ташкил этди.

Ислохотлар натижасида республика шахсий ёрдамчи хўжаликлари уюшмаси ташкил этилган, бу орқали шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларига ёрдам бериб, мулкдорлари манфаатлари ҳимоя қилинган. Хуллас, шахсий ёрдамчи хўжаликларини мустаҳкамлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу орқали эса бир қанча муваффақиятларга эришилди. Масалан, аҳоли бандлигини ошириш, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш, энг муҳими аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришилган.

Республикада олиб борилаётган аграр ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, ислохотларнинг иккинчи босқичида аграр соҳа ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Бундай ҳуқуқий базанинг яратилиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга замин яратади.

Барча қишлоқ хўжалигига оид ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг халқаро андозалар ва халқимиз менталитетига мос ва хос келадиган фермер ва деҳқон хўжаликларидан иборат модел танланди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан яратиб берилган бозор ислохотларига ўтишнинг тамойиллари асосида қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришда туб бурилиш ясалди. Қишлоқ хўжалигида шаклланиб келаётган янги хўжалик юритиш шакли — деҳқон хўжаликлари фаолиятини баҳолаб, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаганлар: “...деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларимиз ҳаётда тўла рўёбга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим”⁴.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз аҳолисининг олдида турган оддий мақсад эмас. У қишлоқ меҳнатқашларидан то раҳбар ходимларнинг меҳнат фаолиятигача таъсир этувчи, юқори моддий манфаатдорлик ва меҳнат унумдорлигига эришишда қизиқиш уйғотадиган воситадир. Шу мақсадда ҳозирги кунда ташкил қилинаётган фермер, деҳқон хўжаликлари мулкӣ муносабатларнинг ўрнатилганлиги, ер ва сувдан ҳамда моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, самарадорлиги бўйича бошқа мулк шаклларида фарқли равишда юқори бўлган хўжалик шакли сифатида тан олинмоқда.

Деҳқон хўжалигини юритиш истиқболда ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан бир қанча амалий ишлар қилинди. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши, 2001 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида” ги Қарорнинг қабул қилиниши, 2000 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларида фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”нинг амалга оширилаётгани деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тан олиниши учун муҳим ҳуқуқӣ асос бўлиб хизмат қилди. Айниқса, 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президентимизнинг ПК-308-сонли Фармони мамлакатимизда аграр соҳадаги олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда деҳқон, фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг юқори суръатлар билан ривожланаётганининг яққол намунасидир.

1.2. Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқӣ, иқтисодий ва ташкилий асослари

Деҳқон хўжаликлари ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало уларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ўрнида пайдо бўлган хўжалик шакли сифатида қаралишини айтиб ўтиш керак. Аслида қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг истиқболли уч шакли, яъни йирик товар маҳсулоти

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: “Ўзбекистон”, Ў 252000 — 325 б — 26-бет.

етиштирувчилар – қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), ўрта товар маҳсулоти етиштирувчилар – фермер хўжаликлари ва майда товар маҳсулоти етиштирувчилар – деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг фаолият юритиши учун уч маҳсус Қонун қабул қилинди. Булар 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган: Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида”ги, Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунларидир. Бу қонунларнинг қабул қилиниши эса хўжаликларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларнинг қонуний асосларини ҳал қилиб берди. Уларнинг ҳар бирини ҳаётга жорий қилиш механизми асосида меъёрий ҳужжатлар тўплами вужудга келтирилди.

Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги кўп кўринишли ташкилий-ҳуқуқий хўжалик юритиш шароитида ишлайди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик муносабатларини тубдан ислоҳ этиш мумкин бўлган иккита асосий йўналиш аниқланди. Бу йўналишларда биринчиси – йирик жамоа корхонасини бир мунча майда мустақил ишлаб чиқариш бўлинмаларига – деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратишга олиб келади. Иккинчи йўналиш, дон ва пахта ишлаб чиқариш учун типик бўлган – йирик корхоналарни тижорат асносига ўтказиш, у хусусий мулкчилик ва бошқариш жараёнини чуқурлаштириш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг 99 % и қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан тақдим этилган нодавлат секторлари орқали амалга оширилмоқда. Шу ўринда йирик, ўрта ва майда товар ишлаб чиқарувчилар ҳақида тўхталиб, таърифи орқали бир-биридан фарқласак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Йирик товар ишлаб чиқарувчилар – қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат) бу – пай улушига, асосан оилавий (жамоа) пудрат, фуқароларнинг ўз ихтиёри билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун бирлашишига асосланган ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир⁵.

Ўрта товар ишлаб чиқарувчилар – фермер хўжаликларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Фермер хўжалиги – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, фермер хўжалиги аъзоларининг ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарувчи мустақил хўжалик субъектидир.


Хўжалик юритишнинг истиқболли шакли бўлган деҳқон хўжаликларининг мақоми, вазифалари ҳамда ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонунида белгилаб берилган. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида деҳқон хўжаликларига қуйидагича таъриф берилган: “Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиши учун оила

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида”, 1-моддаси.

бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиғи маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади”.

Ушбу таъриф орқали биз биламизки, деҳқон хўжаликлари жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилага тааллуқлидир. Оилада эса “Моддий манфаатдорлик”, “Чинакам мулкка эғалик ҳисси” тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан маълум бўлишича, оилавий хўжаликка хос бўлган характерли томони шундаки, “чинакам эғалик ҳисси” айнан мулкни тўла тасарруф этиш имкониятига эга бўлишни билдиради. Шу билан биргаликда, деҳқон хўжалиғи оила бошлиғи ихтиёридаги ер участкасида оила аъзолари меҳнати ёрдамида қишлоқ хўжалиғи маҳсулоти ишлаб чиқаради ва бу деҳқон хўжаликларини уй хўжаликларидан фарқлантиради. Умуман олганда, деҳқон хўжаликлари собиқ шахсий ёрдамчи хўжаликлари ўрнига вужудга келган хўжалик юритиш шакли эканини инобатга олганда, энг аввало уй хўжалиғи, аҳоли хўжалиғи, оила хўжалиғи каби шаклларидан тубдан фарқланишини айтиб ўтиш жоиз.


Қуйидаги 1.1.2-расм орқали биз қишлоқ хўжалиғида хўжалик юритиш шаклларини келтирмоқчимиз.



1.1.2-расм. Қишлоқ хўжалиғида хўжалик юритиш шакллари ва уларнинг таснифланиши

Ҳозирги кунда деҳқон хўжаликларини асосан оила хўжаликлари билан ҳамнафас тарзда эътироф этишади. Чунончи, оила хўжаликларининг қўшимча даромад топиши учун деҳқон хўжалигини юритиш муҳим туртки бўлмоқда. Бундай тадбир, жамоа ишлаб чиқаришларидан ёки бошқа манбалардан олинаётган даромади жуда кам бўлган оилалар учун айниқса муҳимдир.

Демак, деҳқон хўжаликлари, уй хўжалигидан кўра кўпроқ оила хўжалигига тааллуқли ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги оила аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаради. Бунда оила аъзоларининг, шу билан бирга аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби қондирилди. Бу жараёнда, маълумки моддий манфаатдорлик тушунчаси муҳим роль ўйнайди (1.1.3-расм).



1.1.3-расм. Деҳқон хўжалигининг бозор иқтисодиётидаги моҳияти.

Ушбу расмдаги чизмалар орқали биз ҳар бир иқтисодий субъектнинг манфаат билан ўзаро боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Яъни, ҳар бир оила моддий манфаатини барча нарсдан устун қўяди, шу сабабли унинг давлат томонидан ҳар бир рақбатлантириш ва қўллаб – қувватлаш чора-тадбирлари орқали ўз шахсий манфаатдорлигини оширишга қаратилганини ҳис этиш керак. Аҳоли эса бир нечта оилалардан ташкил топганини инобатга олиб, уларнинг эҳтиёжлари йиғиндиси аҳолининг ҳам умумий эҳтиёжи, яъни жами талабни ташкил этишни кўзда тутиш лозим. Албатта эҳтиёжлар асосида манфаатдорлик келиб чиқади. Бу айланада деҳқон хўжалиги мулкка эгаллик ҳисси орқали ишлаб чиқаришда иштирок этади ва ўз моддий манфаатдорлигини оширади. Деҳқон хўжалиги ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқиб ёки ўз оиласини озиқ-овқат

махсулотлари билан таъминлаб туриб ҳам давлатга, ҳам жамиятга жуда катта фойда келтиради. Эндиликда деҳқон хўжалигида ишлаётган барча оила аъзоларининг меҳнат фаолияти иш стажига кўшилади. Ҳатто кейинчалик нафақа олиш ҳуқуқи ҳам қонунлаштирилди. Бу тадбир орқали уларнинг моддий манфаати кафолатланади.

Давлат эса бу ерда ҳам ислохотлар отаси, яъни бош ислохотчи сифатида деҳқон хўжаликлари билан иқтисодий-ижтимоий алоқалар орқали ўз манфаатини кўзда тутди. Чунки турли йиғимлар, солиқлар орқали давлатнинг ҳам манфаатини икки ёқлама кўриш мумкин. Давлат рағбатлантирувчи, ислохотларни амалга оширувчи, ҳам солиқлар орқали “айланма оборот” да иштирок этувчидир.

Умуман олганда, ўтмишдан олимларни қизиқтирадиган саволлардан бири “Нима сабабдан деҳқон хўжаликларининг аввалги кўриниши – шахсий ёрдамчи хўжаликлари бутунлай йўқолиб кетмади?” Иқтисодчи олимларимиз Р.Ҳусанов ва М.Қосимовларнинг фикрига кўра, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг, “яшаши” ёки янада ривожлантирилишига асосий сабаб – шахсий ёрдамчи хўжаликларда аҳолининг шахсий, ижтимоий ва яна бир қатор муҳим манфаатлар бирлашиб, уларнинг фаолиятини юргизади. Биз ҳам шу фикримизни юқоридаги 1.1.3-расмда кўрсатиб, шахсий ёрдамчи хўжаликларининг сақланиб қолиб, кейинчалик деҳқон хўжаликлари сифатида ривожлантирилишига асосий сабаб сифатида “манфаат” тушунчасини кўрсатамиз.

Республикамизнинг энг машҳур иқтисодчи олимлари деҳқон хўжаликларининг тарихи ва бугунги кунига тааллуқли жуда кўп маълумотлар келтириб, ҳатто истиқболни ҳам башорат қилишга уринганлар, тарихий шакли – шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳақида тўхталганлар. Жумладан, Р.Ҳусанов берган таърифда “Шахсий ёрдамчи хўжалик бу – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, хусусий мулкчиликнинг ўзига хос шаклидир. У оила аъзоларининг шахсий маҳнатига асосланган хўжалик юритишнинг алоҳида шакли бўлиб, унинг эгалари ва бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиради ва шу билан биргаликда ҳозирги кунда асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади”. Бу таърифга қўшилган ҳолда, унинг доим ўзини оқлаганини айтиб ўтмоқчимиз. Чунки ўтмишда шахсий ёрдамчи хўжаликларга нисбатан давлат ва ҳукумат барқарор сиёсат юритмади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ривожланиши учун кўпгина салбий кучлар таъсир кўрсатди, қаршиликлар рўбару қилинди. Шахсий хўжаликлар юритувчилар ўзларидаги бор имкониятлардан тўла фойдалансаларда, жамоа ишлаб чиқаришида ҳам, ўз ёрдамчи хўжаликларида ҳам тўла хўжайин эмасдилар. Бинобарин, таъриф бўйича шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳам – хусусий мулкка асослангандир. Ана шу “хусусий мулкчилик” нинг мавжулиги ўша пайтдаги социализм ҳукмрон бўлган даврда шахсий ёрдамчи хўжаликларга муаммолар чиқарарди. Гуёки, хусусий мулкчилик аҳолини табақалаштириб, инсонларни бир-бирига тобе қилар, бир кишини бошқаси эксплуатация қилармиш, деган ғоя шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятига тўсқинлик қилар эди. Шунга қарамай, бу ёрдамчи хўжаликлар бутунлай йўқолиб кетмади. Чунки, А.Н.Шапошников таърифи

кўра, “Шахсий ёрдамчи хўжаликлар – бу ижтимоий ишлаб чиқаришда ишловчиларнинг иккиламчи бандлик соҳаси, ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбияловчи восита, шунингдек, ногирон ва нафақахўрларнинг қолдиқ меҳнат қобилиятидан фойдаланувчи, уй бекаларини иш билан банд қилувчи тармоқдир ва асосий даромад манбаларида биридир”. Бу таърифда эса ҳам давлат, ҳам аҳоли, ҳам хўжалик манфаатлари ҳақида фикр юритилган. Ана шулар сабабли, “манфаат” деб номланмиш категория сабабли шахсий ёрдамчи хўжаликлар йўқотилмасдан, ўрнига деҳқон хўжаликлари ривожлантирилиб, ушбу таърифларга сайқал берилди.

Б.Беркинов таърифига кўра: “Оила фаолияти биологик, демографик, руҳий, ижтимоий масалаларни қамраб олса, уй хўжалиги фаолияти эса оила фаолияти соҳасининг фақат иқтисодий турига мансубдир. Чунки уй хўжалигининг асосий функцияси инсон капиталини ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва сақлашдан иборат”. А.Ўлмасов эса деҳқон хўжалиги оила даромадини оширишнинг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблайди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа хўжалигини боғлиқлигини С.Усмонов, А.Мўминов ва П.Алимовлар қуйидагича таърифлашган: “томорқа ва деҳқон хўжаликларининг ўзаро боғлиқлиги шундаки, аҳолининг шахсий, ижтимоий ва бошқа манфаатларини бирлаштиради”⁶. Кўриниб турибдики, инсон оиласи билан ўз манфаати учун ҳаракат қилади, демакки, деҳқон хўжалиги оилавий тадбиркорлик учун шароит яратилганлигининг муҳим белгисидир. Зеро, оилавий тадбиркорлик, оила аъзоларининг биргаликдаги шахсий меҳнатига асосланган ҳаракатдир. Шу сабабли С.Белозёров қуйидагича эътироф этган: “Хонадон хўжалиги фақатгина моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилувчи иқтисодий бирлик бўлиб қолмасдан, ишлаб чиқарувчи сифатида ҳам кўпгина иқтисодий ечимларни қабул қилади. Бу қарорларни татбиқ этадиган хонадон хўжалиги миллий иқтисодиёт ривожига ниҳоятда даражада таъсир эта олади”. И.Капанев ва Г.Чубковнинг таърифларида ҳам “манфаат”га урғу берилган: “давлат фуқароларининг томорқа хўжаликлари уларнинг эгаларини ва бутун жамиятнинг иқтисодий манфаатларини қондирувчи манбадир”

Ҳатто “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда уларга таъриф берилди ва тадбиркорлик субъекти сифатида бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланди. Энг аввал, социализмда муаммо ҳисобланган масала ўз ечимини топиб, қонун орқали деҳқон хўжаликларига тўла мулкый мустақиллик берилди. Улар ўз ер участкаларида фаолиятини мустақил равишда ташкил этишлари, ўзлари етиштирган маҳсулотларга мустақил нарх-наво қўйишлари ва хоҳлаган жойда, хоҳлаганларича сотиб, чекланмаган миқдорда даромад олишларига ҳақли ҳисобланадилар ва бу фаолиятлари Қонун билан мустаҳкамланади. Эндиликда деҳқон хўжалиги банкда ўз ҳисоб рақамини очиб, хоҳласа юридик шахс мақомини ҳам олиши мумкин. Шунингдек, қонунга кўра деҳқон хўжалиги ҳар бир аъзосининг сарфлаган иш вақти нафақа жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилади.

⁶ Усмонов С., Мўминов А., Алимов П. Томорқа хўжалигини ривожлантириш йўллари. – Т., 1990, 25 б

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, аввалги шахсий ёрдамчи хўжаликлар манфаатларини ҳимояловчи алоҳида Қонун қабул қилинмаган, уларнинг фаолиятига аралашиб, ҳар хил мажбуриятларни зиммасига юклаш давом этаверган эди. Ҳозирги кунга келиб эса, қишлоқ хўжалигида турли хил хўжалик юритиш шакллари фаолият кўрсатаётган бир пайтда аҳолининг томорқалари ҳам алоҳида ҳал қилувчи бўғин сифатида тан олинди ва хўжалик юритишнинг истиқболли шаклларида бири сифатида фаолият юритиши учун асосий ташкилий-иқтисодий асос яратилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шароитида республика аграр сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда оила хўжаликлари билан бир қаторда деҳқон хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини кенгроқ очиш, уларнинг қишлоқ хўжалиги, қолаверса, ҳалқ хўжалигидаги ўрнини белгилаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжаликларининг 2008 йилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таркиби бўйича улуши 60,1 % ни ташкил этган ва 2010 йилда бу кўрсаткич қарийб 68,2 %ни ташкил этмоқда (2005 йилга нисбатан қарийб 2 баробар ўзгарган (2005 йилда 35,1 % эди)лиги эътиборга моликдир). Бу дегани, деҳқон хўжалигини юритиш истиқболда ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан бир қанча амалий ишлар қилинди. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши, 2001 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида” ги Қарорнинг қабул қилиниши, 2000 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”нинг амалга оширилаётгани деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тан олиниши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Айниқса, 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимизнинг ПК-308-сонли Фармони мамлакатимизда аграр соҳадаги олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда деҳқон, фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг юқори суръатлар билан ривожланаётганининг яққол намунасидир.

Шуларни инобатга олиб, деҳқон хўжаликларининг янада ривожланиши давлат томонидан ҳам қўллаб-қувватланади ҳамда фаолиятини юргизиш янада кафолатланади, деган умид билдирамыз. Тадқиқотлар натижасида деҳқон хўжалигини ривожлантиришда аҳолида ўз-ўзини бошқариш хусусияти ҳам бўлиши керак, деган хулоса ҳам келмоқда. Сабаби, деҳқон хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб, аҳоли даромадини оширишга интилиши ҳисобланмоқда. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги тақлиф ва тавсияларни беришни лозим топдик:

➤ деҳқон хўжалиги мақомига кўра майда товар ишлаб чиқарувчи ва оила аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланган хўжалик шакли экан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда кўзлаган мақсади сари меҳнат қилишида давлат қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қайта кўриб чиқиши лозим;

➤ деҳқон хўжалиги нафақат оила аъзоларининг, шу билан бирга аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда асосий хўжалик шакли бўлиб фаолият юритаётган экан, маҳсулотларни аҳоли пунктларига етказишдаги муаммоларни ҳал қилишда ҳам давлатнинг аралашуви зарур;

➤ деҳқон хўжалиги ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқиб ёки ўз оиласини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриб ҳам давлатга, ҳам жамиятга жуда катта фойда келтиради. Шунга биноан деҳқон хўжалигида меҳнат қилаётган барча оила аъзоларининг меҳнат фаолияти иш стажига қўшилишини қонун йўли билан тўлиқ таъминлашга эришиш лозим. Бунда, албатта, деҳқонларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозимдир.

II Боб. Дехқон хўжаликларини ривожлантириш динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

2.1. Дехқон хўжаликларини ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тарихан ҳам энг йирик тармоғи – қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги икки асосий тарихий функцияни бажариб келмоқда: 1) аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш; 2) саноатни хом ашёга бўлган талабини тўлароқ қондириш. Республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналари учун ажратилган ер майдони 48 млн. гектар бўлиб, шундан 28 млн гектари бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун хизмат қилади. Айнан мустақиллик йилларида деҳқон хўжалиги ихтиёридаги ерларнинг умумий майдони 750 минг гектарга тенг бўлди. Бу эса деҳқон хўжалигини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар етарли эканини англатади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан аҳоли фаровонлигини таъминлашда хусусий тадбиркорлик, жумладан, оила хўжалиги, деҳқон хўжалиги кабиларнинг ўрни ниҳоятда катта экани кўп маротаба айтилган бўлиб, уларнинг иқтисоди ва ижтимоий барқарорлиги бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги тўғрисида ўз асарларида қуйидагича фикрларнинг моҳиятини очиб берган: “Ҳамиша шуни эсда тутишимиз керакки, айнан жамиятимиздаги барқарорлик энг катта бойлигимиздир, бундай барқарорлик бор экан, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига пойдевор бўлиб хизмат қилади, бу эса бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишимиз кафолатидир. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ҳамжихатлик, фуқаролар тотувлиги – жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг, барқарор ривожланиши ҳамда тараққиётнинг пойдевори ва кафолатидир”

Оила хўжалиги базасидаги ишлаб чиқариш турларининг, жумладан оилавий тадбиркорлик, томорқа хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ҳунармандчилик ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш турлари мавжудки, бу соҳаларнинг кенг ривожланиши учун жамиятимиздаги ижтимоий барқарорликнинг аҳамияти беқиёсдир. Деҳқон хўжалигининг шахсий томорқа хўжаликлари негизида шаклланишининг ўзи давлатимиз аграр сиёсатининг изчил олиб борилишидан далолат беради. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, бозор муносабатларида республикамизда оилавий тадбиркорликка асосланган деҳқон хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий табиатини очиб бериш ва уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимидаги ўрнини белгилаш, республика аграр сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга оид кўплаб ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ (03.06.1992 й) “Деҳқон хўжаликлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши аграр ислохотлардаги биринчи қадамлардан бири бўлди. Лекин

мукаммал тарздаги “Дехқон хўжалиги тўғрисида” ги ҳақиқий Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1998 йил 30 апрелда қабул қилиниб, 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб кучга кирди. Ўтган давр мобайнида ушбу Қонунга етти марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва ҳозирги кунга қадар мунтазам равишда такомиллаштиришмоқда. Масалан, 2001 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжалиги аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 2001 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “18 март 1997 йилги № ФП -1737 “Шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мамлакат озиқ-овқат таъминотидаги ролини янада кучайтириш тўғрисида” ги Фармони ва қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. 04.03.2000 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Фермерлар, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, 10.09.2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларига банк хизматларини кўрсатиш, уларга моддий-техника таъминоти, божхона имтиёзларидан фойдаланиш, молиялаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308-сонли Қарори қабул қилиндики, бизлар кўп минг сонли оилаларни даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилди”. Шунингдек, 2000 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом ҳам республикаимиз фуқаролари учун амал қилмоқда. Юқорида санаб ўтилган бу ҳаракатлар деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалигидаги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида жамият томонидан тан олиниши учун ҳуқуқий асос бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Фикримизча, деҳқон хўжаликлари роли ва салмоғининг йилдан йилга ошиб бориши ва ривожлантирилиши учун юқоридаги асослар билан биргаликда ҳалқимизнинг манфаати ётади. Ўтган давр мобайнида деҳқон хўжаликлари чин маънода мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги етакчи ўринларни эгаллай олди.

Оила хўжалиги базасидаги деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиши учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмай туриб фаолият кўрсатиши мумкин бўлган оилавий майда товар хўжалигидир. Деҳқон хўжаликларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро

минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади. Мана шулар натижасида деҳқон хўжаликларининг сони ва уларнинг экин майдонлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Деҳқон хўжаликлари сонининг ўсиш салмоғи эса қуйидаги 2.1.1 – жадвалда кўрсатилган.

2.1.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси деҳқон хўжаликларининг сони ва экин майдони

Кўрсаткичлар	Й и л л а р						2011 й 2006 йилга нисбатан, %да
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	
Деҳқон хўжаликларининг сони (минг та)	4544,4	4631,7	4673,2	4765,7	4837,9	4912,5	108,1
Деҳқон хўжаликларининг экин майдони (минг га)	543,7	622,5	641,7	652,7	688,5	678,9	124,87
Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларининг ер майдони	441,9	454,8	458,0	466,7	475,7	484,4	109,6

2011йил 2006 йилга нисбатан деҳқон хўжаликлари сони 108,1 %, экин майдони 109,6 % ошганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. 2005 йилда деҳқон хўжаликларининг экин майдони жами экин майдонларининг 12 % ини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг салмоғи 14,1 % ни ташкил этган. Ер майдони ҳам шунга нисбатан бир неча баробар ортган (1,2 марта). Қуйидаги жадвалда деҳқон хўжаликларида экин майдонларининг ўзгариш динамикаси берилган, бу эса республикада деҳқон хўжаликларига ажратилаётган эътиборнинг янада кучайишини кўрсатади (2.1.2-жадвал).


2.1.2-жадвал.

Республика деҳқон хўжаликларида экин майдонлари таркиби бўйича ўзгариш динамикаси (минг га ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
	2006 й	2007 й	2008й	2009 й	2010 й	2011 й
Жами экин майдони, шундан:	441,9	454,8	458,0	466,7	475,7	484,4
1. Бошоқли экинлар:	208,2	215,8	217,4	222,2	228,2	231,7
- дон	176,3	180,3	183,4	190,5	194,2	197,4
- буғдой	171,1	173,9	177,1	183,2	187,3	191,2

- маккажўхори	19,2	19,9	19,1	18,3	18,5	19,0
- гуруч	3,3	3,7	2,8	2,5	2,2	2,5
2. Мевалар	67,9	71,9	73,5	76,2	81,2	93,0
3. Техник экинлар:	10,1	9,7	8,9	7,8	7,0	6,2
4. Картошка	45,0	46,7	47,4	49,6	51,3	56,2
5. Сабзи	99,4	102,9	104,6	105	106,7	109
6. Полиз экинлари	15,8	16,1	16,6	18,8	19,2	21,4
Ем- хашак экинлари	63,2	63,6	63,1	63,2	64,0	64,7

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг улуши 63,7 фоизни (2010 йилнинг январ-декабрида 62,9 фоизни), фермер хўжаликларининг улуши 34,1 фоизни (35,0 фоизни), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2 фоизни (2,1 фоизни) ташкил этди.



2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси деҳқон хўжаликларининг ялпи миллий маҳсулот етиштиришдаги улуши

2010-2011 йилларга келиб, деҳқон хўжаликларининг ялпи миллий маҳсулот етиштиришдаги улуши яна 9,4 %га ошган. Сўнгги йилларда, айниқса 2006 йилдан буён қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини етиштиришда деҳқон хўжаликлари ўрни ва салмоғининг ортишига сабаб, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва полизчилик борасида давлатимиз ҳукумати томонидан кўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилишидир. Шунга кўра, деҳқон хўжаликларидаги экин майдонининг қарийб 22,8-40 % гача сабзавот экинлари ташкил этади. Узум етиштириш соҳасида ҳам деҳқон хўжаликлари етакчи ўринда, 141,8 – 150 % гача (2010 йил 2005 йилга нисбатан) ошган. Қуйидаги жадвалдан деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларни кўриш мумкин.

2.1.3. – жадвал.

**Дехқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
кўрсаткичлари (минг тонна ҳисобида)**

№	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари номи	Йиллар					2011 йил 2007 йилга нисбатан (%)
		2007	2008	2009	2010	2011	
1	Дон	1175,6	122,6	1090,3	1041,6	1200,6	102
2	Ш.Ж. бугдой	935,4	997,8	1037,6	1002,4	1035,8	110,7
3	Маккажўхори	140,7	136,6	158,8	161,2	174,8	124,2
4	Шоли	34,0	26,6	23,7	21,2	26,8	78,8
5	Сабзавот	2818,0	3081,4	3470,0	3651,7	4760,0	169
6	Мевалар	599,2	663,1	732,6	801,7	897,8	150
7	Узум	332,4	379,7	367,6	351,2	370,5	111,4
8	Полиз экинлари	392,7	411,3	506,0	567,0	612,7	156
	А) Тарвуз	146,2	148,7	151,0	167,0	189,2	129,4
	Б) Қовун	186,4	190,8	212,0	309,8	312,5	167,6
	В) ошқовоқ	60,1	71,8	143,0	90,2	111,0	184,7
9	Картошка	898,1	1004,4	1166,8	1200,8	1320,5	147
10	Помидор	560,8	602,3	651,8	705,8	810,8	144,5
11	Бодринг	401,2	430,2	484,2	501,2	536,7	134
12	Қулупнай	1270,1	1300,8	1381,2	1527,8	1600,4	126

Ушбу жадвалдан кўрииб турибдики, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари ўзгаришларга эришган, фақатгина шоли етиштиришда 21,2 % га камайган (2011 й. 2007йилга нисбатан).

2.2. Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ҳолати.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида 2008 йил 5 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинди. Президентимиз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб берди:

- энг аввало, қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳолиси манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишга эришиш;

-қишлоқ хўжаликларидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;

-қишлоқда пайдо бўлаётган мулкӣ муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари-мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

-ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Ушбу йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ – 1046 сонли қарори асосида кучга киритилди. Дастур 9 бўлим, 105 банддан иборат бўлиб, унда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутилидиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонда салбий оқибатларини бартараф этишга бағишланган асарида устувор вазифа сифатида “.... мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат” экани белгилаб берилган. Асарда кўрсатилганидек, бу устувор вазифани ҳал этиш “... пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади”

Фикримизча, юқорида белгилаб берилган устувор вазифа самарали ҳал этилиши учун республика ҳудудлари, жумладан, барча вилоятлар ривожининг ижтимоий йўналтирилганлигини, уларнинг табиий иқлим ва ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратиш зарурлиги эътиборга моликдир.

Қашқадарё вилоятини ҳудудий ривожлантириш стратегиясига асосан:

Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликлари ҳақида маълумот.

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами деҳон хўжаликлари сони					Шундан юридик шахс мақомини олганлар					2011 йил 2007йилга нисбатан ўзгариши (%да)	
		2007	2008	2009	2010	2011	2007	2008	2009	2010	2011	Жами деҳқон хўжаликлари	Юридик мақомга эга бўлган д/х
1	Вузор	28550	28559	28559	28559	29000	1937	1941	1944	1988	2003	101,5	103,4
2	Деҳқонобод	19400	21290	33415	33415	24100	1854	2253	2254	2417	2510	124,2	135,3
3	Қарши туман	30000	30000	30000	30000	30100	1300	1317	374	169	300	100,3	23,1
4	Косон	40110	14997	43662	43662	44100	702	726	727	736	744	109,9	106
5	Қамаши	38200	38200	38200	38200	38221	1804	1848	1849	1860	1879	100.05	104
6	Китоб	38300	38500	38500	38500	38530	3305	3454	3616	4028	4130	100,6	125
7	Миришкор	15920	18014	18014	18014	18120	494	494	477	447	450	113,8	91
8	Муборак	12650	12963	12963	12963	12972	208	229	230	239	214	102,5	115,8
9	Нишон	20165	20165	20165	20165	20200	1362	1489	1600	1661	1704	100,2	125
10	Касби	29900	29900	30000	30020	30520	1628	1657	1661	1682	1702	102,1	104,5
11	Чироқчи	49380	49510	49615	49815	50017	4560	4588	4608	5085	5402	101,3	118,5
12	Шахрисабз	36520	36559	36559	36559	36600	5111	5113	4922	5333	5504	100,2	107,7
13	Яккабоғ	39886	39925	39925	39925	39935	5360	5393	5396	5396	5400	100,1	100,7
14	Қарши шаҳар	43808	43808	43808	43808	43808	-	-	-	-	-	100	-
15	Жами вилоятда	442789	449390	43127	454403	456223	29265	30502	30474	30549	31969	103	107,9

- худуднинг миллий сиёсатини бозор шароитига мослаштириш;
- фойдаланилмаётган маҳаллий ресурсларни мобилизация қилиш;
- худудда ишлаб чиқаришни марказлашмаган ҳолда ташкил этиш;
- бошқарувнинг янги механизмига ўтиш белгилаб берилди.

2.3. Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси.

Дехқон хўжаликлари фаолиятининг самарали юритилишида бир нечта омилларнинг бевосита ва билвосита таъсир этиши барчамизга маълум. Масалан, давлатнинг иқтисодий сиёсати, ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва технологик муносабатлар деҳқон хўжаликларини юритиш учун хизмат қилади. Шунингдек, деҳқон хўжаликларида маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Деҳқон хўжаликлари юритилишининг ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги;
2. Деҳқон хўжалиги эгасининг билими, иқтисодий ва ҳуқуқий тушунчаларига қанчалик эгаллиги;
3. Деҳқон хўжалиги эгасининг бозор муносабатларига мос ҳолда фаол ва серҳаракат фаолият юритиши;
4. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳамкорликдаги меҳнати ва бир мақсад йўлидаги бирикиши;
5. Деҳқон хўжалигининг ўзаро бошқа субъектлар билан ҳамкорликда фаолият юрита олиши;
6. Деҳқон хўжаликлари даромадларининг тўғри тақсимланган ҳолда, такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўя олиши ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжаликларида ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги Фармонида, 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган 109 банлик давлат дастурида ҳам деҳқон хўжаликлари бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари каби хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида сақлаб қолиниши ва ривожлантирилиши устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Шунингдек, деҳқон хўжаликларига шарт-шароитлар яратиш, бозор инфратузилмаси таркибидаги барча фирма, ташкилот ва муассасаларнинг деҳқон хўжаликларига ҳам хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқ, деб белгиланган. Жумладан, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника таъминоти, банк муассасаси (2009 йилда “Ғаллабанк” – Қишлоқ қурилиш банкига айлантирилди ва деҳқон хўжаликларига ҳам булар бевосита хизмат кўрсатилиши белгиланган) ва умуман деҳқон хўжаликларини бозордаги мустақкам алоқасини таъминловчи барча ташкилотларга юқоридаги масъулиятли вазифалар юклатилди. Бунинг учун эса деҳқон хўжалиги раҳбари иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий билим ҳамда тажрибага эга бўлган ҳолда, ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ва юритиш борасида энг аввало, давлат ташкилотлари билан, сўнг нодавлат-нотижорат

ташкilotлари билан ҳамда бевосита тижорат ташкilotлари ва муассасалари билан иқтисодий муносабатларга киришади.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ва деҳқон бозорларининг истеъмол (озиқ-овқат) товарлари, маҳсулот турлари билан тўйинтирилишига олиб келмоқда. Масалан, сўнгги йилларда, хусусан 2008 йилда дунёда молиявий ва иқтисодий инқироз рўй берган шароитда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таркиби бўйича улуши фермер хўжаликларида 38,8 %, деҳқон хўжаликларида 60,1 % ни (бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида эса 11 %) ташкил этган.

Қашқадарё вилоятида мавжуд деҳқон хўжаликларидан Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз туманларида жойлашганларнинг еттитаси асалчилик билан шуғулланганликларини анкета сўровномаларида билдиришган. Ҳозирги кунда республикамизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш доирасида асаларичиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Асаларичилик нафақат озиқ-овқат захирасини кўпайтириш, балки қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда 2009-2012 йилларда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури қилинган ҳамда вилоятимиз хўжаликлари ҳам бу дастур ижросини таъминлаш мақсадида 16459 та мавжуд асалари оиласини 21494 тага етказишни мўлжаллашмоқда. Вилоятимизда 8 та ўрмон, 17 та фермер ва 163 та шахсий ёрдамчи (шундан 61 % и, яъни 99 таси деҳқон хўжалиги) хўжаликларида асал етиштирилади. 2012 йилгача яна 29 та асаларичилик хўжаликлари ишга туширилиши мўлжалланмоқда. 14 та фермер хўжалиги ва 24 та деҳқон хўжаликларида мазкур тармоқни йўлга қўйиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Агар ҳар бир асалари оиласидан 1 йилда ўртача 25-30 кг маҳсулот етиштиришни ҳисобга оладиган бўлсак, бу миқдор қўшимча асаларилар оиласи ҳисобидан қанчага ортишини тасаввур қилаверинг. Ўтган йилгидан қўшимча 35 тонна кўп ёки 175 тонна бебаҳо неъмат етиштириш учун Китоб, Яккабоғ ва Шаҳрисабз хўжаликларида тайёргарлик ишлари бормоқда. Хусусан, 1846 та асалари оиласи учун 400 дона асалари қутиси тайёрлашга буюртма берилган. Асосийси, бу қутилар маҳаллий шароитда – Яккабоғ ва Китоб ўрмон хўжаликларининг ёғочни қайта ишлаш цехларида тайёрланмоқда. Бу тадбир эса тармоқни ривожлантириш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Асаларичилар бу асбоб ускуналарни четдан ёки қўшни вилоятлардан 2-3 баробар қимматга олишлари мумкин эди. Лекин, масала ижобий ҳал қилинди. 1846 та асалари оиласи ташкил этиш учун 300,4 млн сўм маблағ талаб этилади, шунинг учун 262,9 млн сўми мтиёзли кредитлар ҳисобидан йўлга қўйилади. Деҳқон хўжаликлари томонидан анкета сўровномаларида микрокредитлар олиш хоҳиш истаги берилган ва бундай деҳқон хўжаликларидан 2 таси (Китоб туманидан “Раззоқ бобо” ва “А.Фаёзова” деҳқон хўжаликлари) томонидан кредитларни асал етиштиришга сарфламоқчи бўлганликлари билдирилган. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бундай бебаҳо озиқ-овқат маҳсулоти етиштириш куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти республика иқтисодиётида чорвачилик тармоғи билан ҳам юқори ўринларни эгаллайди. Республика аҳолисини гўшт, сут каби ҳаётий зарур чорвачилик маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун вилоятда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, деҳқон хўжаликларининг вилоятда сонини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш ишлари Президент ташаббуси ва вилоят ҳокимияти томонидан амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни шакллантиришда деҳқон хўжаликларининг алоҳида ўрни ва нуфузи бор. Айниқса, вилоятимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиги асосий ишлаб чиқарувчи сифатида эътироф этилади. Фермер хўжаликлари билан солиштирилганда, деҳқон хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари яратувчисидир. Қуйидаги жадваллар орқали биз Қашқадарё вилоятидаги деҳқон хўжаликлари сони ва уларга ажратилган ер майдонлари ҳақида маълумотга эга бўламиз.

2.3.1.-жадвал.

Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдони (га ҳисобида)

№	Шаҳар ва туманлар	2007	2008	2009	2010	2011	2011йил 2007йилга нисбатан	
							(% да)	(+, -)
1	Ғузор	4020	4040	4040	4040	4056	101	36
2	Деҳқонобод	4894	4894	4894	12866	12866	262,8	7972
3	Қарши туман	6134	6230	6230	6230	6332	103,2	198
4	Косон	5490	5552	5611	5611	5720	104,2	230
5	Қамаши	8690	8698	8723	8723	8850	101,8	160
6	Китоб	5785	5960	5894	6079	6100	105,4	315
7	Миришкор	4449	4449	4449	4449	4502	101,2	53
8	Муборак	2517	2517	2517	2600	2600	103,3	83
9	Нишон	2833	2833	2833	2833	2915	102,9	82
10	Касби	4901	4901	4901	4901	4925	100,5	24
11	Чироқчи	16279	16279	16279	16300	16300	100,2	21
12	Шахрисабз	4760	4760	4760	4885	4900	103	140
13	Яккабўғ	5536	5536	5558	5558	5560	100,5	24
14	Қарши шаҳар	1678	1678	1678	1678	1702	101,4	24
15	Жами вилоятда	77966	77966	78522	86773	87328	112	9362

Вилоятда мавжуд деҳқон хўжаликларида бир-биридан фарқ қилувчи яққол ихтисослашув кўзга ташланмайди, деҳқон хўжаликларида пахтадан ташқари деярли барча асосий қишлоқ хўжаликлари экинлари экилади ва даромад олинади. Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликларида экин ҳосилдорлиги қуйидагича

2.3.2-жадвал.

Дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (ц/га)

Экин тури	Йиллар					Ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+; -	%
Донли экинлар	51,4	52,3	50,0	53,4	52,7	+1,3	102,5
Буғдой	52,1	53,7	47,2	50,5	51,2	-0,9	98,3
Маккажўхори	55,7	56,2	51,1	52,3	56,8	+1,1	102
Картошка	138,7	142,7	142,0	142,8	142,2	+3,5	102,5
Сабзавотлар	210,2	211,3	218,4	218,0	220,8	+10,6	105
Полиз	228,3	230,8	232,8	233,2	240,2	+11,9	105,2
Мева	101,25	85,3	90,2	103,5	105,8	+4,55	105,0
Узум	94,3	98,5	98,5	99,0	102,1	+7,8	108,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятнинг деҳқон хўжаликлари баъзи экин турлари бўйича юқори ҳосилдорликка эришган ва йилдан-йилга ҳосилдорлиги ошиб борган.

Фақат 2007-2008 йил қиш мавсумининг жуда совуқ келиши донли экинлар ва айниқса, буғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатган. Қишлоқ хўжалигига иқлимнинг таъсири хўжаликлар фаолиятига ҳам сезиларли ҳисса қўшади.

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг юқори ҳосилдорлик картошка, сабзавот ва полиз экинларида кузатилади. 2007 йил картошкадан 138,7 ц/га ҳосилдорликка эришилган бўлса, 2011 йил 142,2 ц/га ҳосилдорликни ташкил этади. Бу эса 3,5 ц/гача ёки 102,5 % га ошганлигини кўрсатади.

Сабзавотлар эса 2007 йилда 210,2 ц/га ҳосилдорликдан 2011 йил 220,8 ц/га ҳосилдорликка эришган, яъни 2011 йил 2006 йилга нисбатан 10,6 ц/га га ёки 105 % га ошган. Полиз экинида 2007 йилда 228,3 ц/га дан 2011й 240,2 ц/га ҳосилдорлқ кузатилади, бу эса 11,9 ц/га ёки 105,2 % га кўпайганини билдиради.

Демак, деҳқон хўжаликлари ўзларига бириктирилган ерлардан унумли фойдаланиб, юқори ҳосилдорликка эришилган. Кузатишлар натижасида шу нарсалар маълум бўлдики, кейинги йилларда вилоятнинг деҳқон хўжаликларида экин майдонлари экин турлари бўйича тақсимланишида асосий экин майдони сифатида дон, сабзавот, мева, узум ва картошка кабилар эътироф этилди. Бунга асосан 2006 йил 9 январдаги Президент И.Каримовнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Чунки боғ ва узумзорларга ажратилган ер майдонлари 2004 йилга нисбатан 14,2 % га (вилоятда) ошган.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ошиб

бормокда. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига ва деҳқон бозорларининг истеъмол (озик-овқат) товарлари, маҳсулот турлари билан тўйинтирилишига олиб келмокда. Масалан, сўнги йилларда, хусусан 2008 йилда дунёда молиявий ва иқтисодий инқироз рўй берган шароитда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таркиби бўйича улуши фермер хўжаликларида 38,8 %, деҳқон хўжаликларида 60,1 % ни (бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида эса 11 %) ташкил этган.

Қашқадарё вилояти республика иқтисодиётида чорвачилик тармоғи билан ҳам юқори ўринларни эгаллайди. Республика аҳолисини гўшт, сут каби ҳаётий зарур чорвачилик маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун вилоятда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмокда. Жумладан, деҳқон хўжаликларининг вилоятда сонини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш ишлари Президент ташаббуси ва вилоят ҳокимияти томонидан амалга оширилмокда.

Масалан, 2008 йил рўйхатга олинган корхоналар сонининг 96,2 % и нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, 74,9 % фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2009 йилда 96,3 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, 76,7 %и эса фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоятда деҳқон хўжаликлари сони, салмоғи жиҳатидан устун турувчи туманлар мавжуд. Бу туманлардан Чироқчида 49815 та (умумий сонига нисбатан 14 %), Яккабоғда 39935 та (11,7 %), Қамаши туманида (11 %) 38200 та, Косон туманида 43832 та (12,3 %), Қарши шаҳрида 43808 та (12,1 %) ва Қарши туманида 30000 та (10,2 %), Нишон туманида 20200 та (9,8 %) деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар вилоят иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас бўлаклари сифатида фаолият кўрсатмокдалар. Демак, “барча турдаги деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини самарали иш юритаётган деҳқон хўжаликлари даражасига кўтарилса, етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини 1,8-2,0 марта кўтариш имкониятлари мавжуд”

III Боб. Деҳқон хўжаликларини истиқболда ривожлантириш йўллари.

3.1. Деҳқон хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ошириш йўллари

Бозор муносабатлари ҳар қандай шароитда ҳам хўжалиklar, корхоналар, фирма ёки ташкилотларни фойда олишга интилишга, фойдани максимумлаштиришга ундайди. Иқтисодиётнинг бошқарилиши бозор механизми орқали ўзини-ўзи бошқариш орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиётида учрайдиган муаммоларнинг барчасини хўжалиklar ўзлари тўлиқ еча олмаганликлари сабабли, баъзиларини давлатнинг ўзи ҳал қилади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойиллари – Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган “тараққиётнинг ўзбек модели”да ҳам иккинчи тамойил – давлат – бош ташаббускор ва ислохотчи, дея эътироф этилган.

Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида қишлоқ хўжалигида ислохотлар босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмокда. Хусусан, Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармонида асосан:

- қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш, мулкчиликнинг ижара шакли ва шартномавий муносабатларга асосланган ҳолда амалга оширилиши;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши;

- тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолияти ушбу мақсадга бўйсундирилиши;

- хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари сақлаб қолиниб, истиқболда уларни янада ривожлантириш, даромадларини кўпайтириш энг муҳим устувор йўналиш эканлиги белгилаб қўйилди.

Деҳқон хўжаликларини истиқболда самарали фаолият юритишлари учун зарур ташкилий- иқтисодий шарт-шароитлар яратиш йўналишлари қуйидаги чизмада келтирилган:

Бугунги фермер хўжаликлари асосан давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта хом-ашёси ва ғалла етиштириш билан шуғулланаётган шароитда деҳқон хўжаликлари мамлакат аҳолисининг мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бу ҳам ўз ўрнида истиқбол учун муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деҳқон хўжалигининг аҳамияти бекиёс бўлмоқда ва яқин келажакда уларнинг бу аҳамияти сақланиб қолади.

Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилардан иборат:


- деҳқон хўжаликлари фаолият юритилишини тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

- деҳқон хўжалиги юридик (ҳуқуқий) шахс мақомида фаолият юритишларини рағбатлантирувчи механизмни такомиллаштириш;

- деҳқон хўжаликларини маҳсулот етиштириш, сотиш ҳамда уларга турли хизмат кўрсатишда фермер хўжаликлари билан тенг ҳуқуқий шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- деҳқон хўжаликларига ҳам ёлланма ишчилардан фойдаланиш имкониятининг яратилиши ва бу йўналишнинг ҳуқуқий жиҳатини таъминлаш. Чунки баъзи деҳқон хўжаликларининг аъзолари ўртача 7 кишидан иборат бўладиган бўлса, шундан 3-4 таси меҳнатга яроқли бўлмоқда ва қўшимча иш кучидан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда;

- деҳқон хўжаликларида (агар улар ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлсалар) шартнома муносабатларини шакллантириш ва бизнес-режа, истиқбол режа тузишни ўргатишни ташкил этиш.



3.1.1-расм. Истиқболда деҳқон хўжаликларини самарали фаолият юритишлари учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш йўналишлари

Деҳқон хўжаликлари олдида бир қанча муаммолар турибдики, уларни ҳал этмасдан туриб, деҳқон хўжаликлари истиқболини белгилаш қийин масала. Масалан, мамлакат аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг аксарият қисмини деҳқон хўжаликлари таъминлаётган бир даврда уларда ем-хашак масаласини, озуқа базасини такомиллаштириш муаммоларини ижобий ҳал этмоқ керак. Бунинг учун бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган ем-хашакларни деҳқон хўжаликларига шартнома асосида сотишни ташкил қилиш, ғалладан бўшаган ерларнинг бир қисмини деҳқон хўжаликларига такрорий озуқа экинлари экиш учун ажратиш ёки ижарага бериш ва зарурий ёрдам (техника, уруғлик, ўғит ва бошқалар)

кўрсатиш, таъминот ва савдо ташкилотлари томонидан омухта ерни эркин ва етарли даражада сотишни ташкил қилиш, шунингдек, ҳозирги пайтда сотилаётган омухта ери нархларини ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Шунингдек, экин майдонларида бедага жуда кам ери ажратилаётганлиги (вилоят деҳқон хўжаликларига бу кўрсаткич ўртача 4,8 % га тўғри келмоқда), бу туфайли эса нафақат озуқа базасининг ёмонлашуви, балки тупроқ унумдорлигининг, экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига ҳам салбий таъсири сезилмоқда. Асосийси, деҳқон хўжаликлари ери-хашак базаси билан таъминланиш масаласининг ҳал бўлмаслиги чорва молларининг маҳсулдорлигига салбий таъсир этмоқда. Масалан, вилоятнинг Нишон туманида 2006 йилда 100 сигирдан 61 бош бузоқ олинган бўлса, 2009 йилга келиб бузоқ сони 7 тага камайган, яъни 100 бош сигирдан 54 бош бузоқ олинган. Демак, истикболда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда чорва молларининг маҳсулдорлигини ҳам ошириш масаласининг ечимини топишимиз керак.

Деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан интеграцион алоқаларнинг талаб даражасида эмаслиги қишлоқ хўжаликлари фаолиятини барқарор ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам деҳқон хўжаликларини бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари билан ўзаро интеграцион алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш ва бунда қуйидаги ҳолатларга асосий эътиборни қаратиш зарур:

- Деҳқон хўжаликлари хўжалик юретишнинг энг кичик ва оқилона шакли ҳисобланади;
- Деҳқон хўжаликларида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун максимал даражада қулай шароит мавжуд бўлади;
- Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, сервис ташкилотлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ёрдамсиз деҳқон хўжаликлари нинг ривожланиши қийин кечади;
- Аграр тармоқда ишлаб чиқариш кучларининг паст даражада ривожланганлиги ва етарли даражада ижтимоий кўринишга кела олмаганлиги аҳолини зарурий асортиментда ва етарли миқдорда қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини бермаслиги, аҳоли сонининг тобора ортиб бориши ва ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ортиб бориши каби объектив сабаблар туфайли деҳқон хўжаликларини истикболда ривожлантиришга зарурият мавжудлиги.

Шу нуқтаи назардан деҳқон хўжаликлари билан бошқа корхоналарнинг мустаҳкам интеграцион алоқалар ўрнатиш, бу жараёнда зарурий ресурслар билан таъминлаш ва етиштирилган маҳсулотларни деҳқон хўжаликлари учун қулай бўлган шароитларда сотишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда деҳқон хўжаликлари учун аниқ тартибга солинган, қулай таъминот тизими мавжуд эмас. Деҳқон хўжаликларини зарурий ресурслар билан таъминлаш асосан хусусий шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса, уларнинг сифатли ресурсларни олишга бўлган имкониятининг чекланишига олиб келмоқда.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этмай туриб, истикболда деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг иложи йўқ. Ушбу муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларида бири мамлакат, вилоят бўйича деҳқон хўжаликларини зарурий ресурслар билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи алоҳида таъминот – сервис хизмати тизимини ташкил этишдир. Шунинг учун фикримизча, жойларда бундай ташкилотларни ташкил қилиш орқали деҳқон хўжаликлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатилган бўлади ва деҳқон хўжаликлари ўзларида туғилган ҳар бир муаммони ушбу ташкилотлар орқали ҳал этишлари мумкин. Бунинг учун қуйидаги ишларни ҳал этиш керак:

- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун амалий ёрдам сифатида ерларга ишлов бериш, экинларни экиш, чорва моллари, паррандалар парвариши учун зарур воситалар ҳақида маълумот бериш, экиш ва суғориш, ем-хашак, озуқа базасини ташкил этишни таъминлаш;

- Деҳқон хўжаликларини зарурий ресурслар ва воситалар билан таъминлаш, масалан, уруғлик, зотдор моллар, минерал ўғитлар, пестицидлар, ем-хашак ва қурилиш материаллари, ветеринария хизматини ташкил этиш ва ҳ.к.

- Деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш. Бунда ташкилот бевосита хўжаликда етиштирилган ва сотиш учун мўлжалланган чорвачилик маҳсулотлари – сут, гўшт, тухум, жун, қоракўл тери ва деҳқончилик маҳсулотлари – картошка, пиёз, мева-сабзавотлар, полиз каби маҳсулотларни сотишга кўмаклашиши керак.

- Деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашда тегирмон, жувоз ва шунга ўхшаш қайта ишловчи корхоналар, мини заводларнинг ишини ташкил этади.

Деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг аксарият қисми ўз ҳолича, қайта ишланмаган ҳолда сотилмоқда ва бу уларнинг бир хил ишлашига, даромад манбаларининг кўпаймаслигига сабаб бўлмоқда. Истикболда деҳқон хўжаликлари даромад манбаларини кўпайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Чорва маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологиялар билан деҳқон хўжаликларини таъминлаш. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида 45,5 мингта қўй мавжуд. Бу қўйлар териси ошланганда, 67,2% и нест-нобуд бўлади. Шунинг учун биринчидан, “монофактура” орқали жундан ип ҳосил қилиш, турли рангларга бўяш ва шу орқали харидоргир қилинса, маҳаллий аҳоли учун уй-рўзғор буюмлари, тўқимачилик саноати учун хом-ашё яратилган бўларди.

Иккинчидан, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам минитехнологиялардан фойдаланилса, ижобий натижага эришса бўлади. 2009 йил 19-23 майда Президентимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”га бағишлаб барча вилоятларда ташкил этилгани каби, Қашқадарё вилоятида ҳам “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ва минитехнологиялари” ярмаркаси ўтказилди ва унга вилоятнинг энг кўзга кўринган тадбиркорлари, ишбилармонлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари иштирок этишди. 500 га яқин турдаги Корея, Швеция, Швейцария, Голландия, Россия, Германия каби мамлакатлардан

келтирилган мини заводлар ва минитехнологиялар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган. Масалан, мева-сабзавотни, узумни қайта ишловчи ва шарбат тайёрловчи технологиялар, меваларни қуритувчи (Корея технологияси асосида), картошкadan “чипс” тайёрловчи, буғдойни қайта ишловчи, унни элаб, хамир қорувчи, турли макарон маҳсулотлари тайёрловчи, 30 тadan 2500 тагача товук боқишга мўлжалланган турли-туман паррандахоналар, сигир соғишга мўлжалланган соғувчи аппаратлар, жунни қайта ишловчи ва халқимиз учун қишки кийимларнинг турли ранг ва бичимда бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи технология, сутдан музқаймоқ тайёрловчи ва ҳ.к. технологиялар кўрилгач, тадбиркор ва ярмаркани ташкил этганлар томонидан 390 зиёд шартнома тузилди.

Шу технологиялардан деҳқон хўжаликлари ҳам фойдаланса, сутнинг аксарият қисмини ўзи қўл меҳнати билан эмас, махсус технологиядан фойдаланган ҳолда, ўзининг товар белгиси остида тайёр маҳсулот сотиши мумкин бўларди:

2. Деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирадиган маҳсулотларни тўғридан-тўғри бозорда сотишга шароит яратиш. Ҳозирги кунда вилоятда мавжуд 449 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари бор-йўғи 32 мингга яқини юридик шахс мақомини олган. Бу эса жами деҳқон хўжаликларининг бор-йўғи 7,2 %ини ташкил этади. Бу нимани англатади? Деҳқон хўжалигининг 92,8 %и реквизитли, яъни ўз ҳисоб-китоб счётига эга эмаслигини ва деҳқон хўжалиги олди-сотди ишларини банк орқали амалга ошира олмаяптилар. Ваҳоланки, жаҳонда молиявий глобаллашув бўлаётган бир вақтда, банк тизимининг такомиллашиб кетаётган бир даврда, инсонлар барча ҳисоб-китобларни электрон пуллар (пластик карточкалар) орқали амалга ошираётган замонда аксарият деҳқон хўжаликлари банк хизматидан унумли фойдалана олмаяпти. Муомалада нақд пулсиз ҳисоб-китоб амал қилаётган бир вақтда деҳқон хўжаликлари маҳсулотларини “чайқовчи”ларга арзон нархга, ҳатто ярим нархига сотишга мажбур бўлишмоқда.

Истиқболда деҳқон хўжаликларининг агросаноат мажмуи билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, деҳқон хўжалигининг ташкилотлар билан алоқаси қанчалик мустаҳкамланса, келажакда деҳқон хўжаликлари муаммоларининг ҳал этилишига сабаб бўларди.

3.2. Деҳқон хўжаликларининг ривожлантириш истиқболлари.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, илк йиллардаёқ ислохотлар янги мулк шакллари кўпайтиришга ёки кўп укладли иқтисодий ёни барпо этишга қаратилди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойили, “Тараққиётнинг ўзбек модели”нинг бири – давлат – бош ислохотчи деб юритилади. Давлат ислохотлар юритишда ўзининг бош “дастаклари” – солиқ, молия, пул-кредит сиёсати кабиларни ишга соладики, булар турли мулк шакллари аналда фаолият юритишларига замин яратади.

Деҳқон хўжаликларига даромад келтирадиган мулки эса бу факат – ер, чорва сони ва интеллектуал мулк ҳисобланган инсон (меҳнат) ресурсларидир.

Лекин микромолиялаш, кредит ресурсларига бўлган мухтожлик барча деҳқон хўжаликларида кузатилади. Бундай деҳқон хўжаликларини шартли равишда 3 асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Янги ташкил топган деҳқон хўжаликлари.
2. Барқарор фаолият юритаётган ва ташкил топганига камида 5 йил бўлган, ўз фаолиятини кенгайтириш бел боғлаган ёки ишлаб чиқариш соҳасини янгиламоқчи, яхшиламоқчи бўлган деҳқон хўжаликлари.
3. Барқарор, даромадли фаолиятни йўлга қўйган, кредит олиш учун етарли гаров таъминоти ва рентабелли бизнесга эга бўлган ҳамда аксарият қисми юридик шахс мақомини олган деҳқон хўжаликлари.

Бу юқоридаги гуруҳларнинг хусусиятлари шулардан иборатки, биринчи гуруҳ вакиллари асосан бошланғич маблағ (капитал)га, етарли иқтисодий-ҳуқуқий билим ва тажрибага, ишлаб чиқариш воситаларига эга эмаслиги туфайли албатта кредитга мухтож бўлишади. Уларга кам фоизли кредитлар ажратиш, керакли техникани лизингга бериш, консултантив қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи гуруҳга кирувчи деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш ва кенгайтириш учун етарли молиявий ресурсларга эга эмаслиги, кредитдан фойдаланмаган, етарли гаров таъминоти, юридик шахс мақомига эга эмас, янги иншоотларга (иссиқхона, молхона) ва техникага мухтож. Уларга бирорта агрофирма, маҳалла ва бошқа субъектлар кафолати асосида имтиёзли кредитлар ажратиш, техника ва керакли восита, ускуналарни лизингга бериш, зооветеринария ва бошқа хизматларни таклиф этиш, кредит кооперациясини амалга ошириш лозим бўлади.

Учинчи гуруҳ вакиллари эса ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш, янги фаолиятни бошлаш, бозордаги ҳолатини янада мустаҳкамлаш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш учун кредитларга мухтож. Бу деҳқон хўжаликларига банк кредитини амалга ошириш техника ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш, сотиш хизматлари ва маркетинг жараёнини амалга оширишда кўмаклашиш, биржадан фойдаланиш имкониятини ошириш, таъминот вазифаларини бажаришга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

Деҳқон хўжаликларининг бундай гуруҳларга ажратилиши уларга мос кредит хизматларини таклиф этиш учун қулай ҳисобланади. Деҳқон хўжаликлари иккинчи гуруҳига кирувчилар жами деҳқон хўжаликларининг 62 % дан кўпроғини ташкил этади. Демак, уларга кредитлар ҳам жуда зарур ҳисобланади. Одатда, боғдорчилик, чорвачилик ҳамда иссиқхоналарда маҳсулот етиштирувчи деҳқон хўжаликлари учун узоқ муддатли кредитлар зарур бўлади. Бунинг устига уларга кам фоизли ва узоқ муддатли микрокредитлар бериш керак бўлади.

Айниқса, ҳозирги кунда деҳқон хўжаликларини микрокредитлашда ечимини кутаётган муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Микромолиялаш хизматларига бўлган талаб тўлиқлигича қондирилмаётганлиги;
2. Гаров таъминотини топиш қийинлиги ва уни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг мураккаблиги.

3. Қишлоқ жойларда банк муассасалари шаҳобчаларини ва бошқа микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг кенг ташкил этилмаганлиги;

4. Деҳқон хўжаликлари учун банк кредитни расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблик туғдириши.

Иқтисодий муносабатлар, ташкилотлар билан интеграцион алоқалар истикболда деҳқон хўжаликларининг ривожланиш омиллари бўлиб хизмат қилади. Масалан, деҳқон хўжаликлари банк хизматидан юридик шахс сифатида унумли фойдаланиши керак бўлади. Хусусан, 2009 йил давомида Агробанк мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 185 та туман ва шаҳар филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассалари орқали 270 мингдан ортиқ юридик шахс мақомига эга бўлган ҳамда 1 млн.дан ортиқ жисмоний шахсларга қуйидаги хизматларни кўрсатди:

- чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 млрд 700 млн сўм кредит ҳисобига чет эллардан 21 388 бош зотдор қорамоллар келтирилди, буларнинг 8 %и фермер хўжалигига, 12 %и бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)га, 14,2 %и чорва билан шуғулланмоқчи бўлган аҳолига ва қолган 65,8 % шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига берилди. Бунинг эвазига 443 тонна гўшт, 15 511 тонна сут маҳсулотлари етиштирилиб, 10 535 та янги иш ўринлари яратилди;

- гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7 млрд 400 млн. сўм кредит ҳисобига 1339 та иш ўринлари ташкил қилинди;

- ҳудудларда чорвачилик учун озуқа базасини кенгайтириш, жумладан омукта ем, шрот ва шелуха сотиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва уларнинг деҳқон, фермер, ширкат хўжаликларига хизмат кўрсатиши, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган 9 млрд. 500 млн. сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўринлари яратилди;

- паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 млрд. 100 млн. сўм кредит ҳисобига паррандалар сони 1 млн. 689 мингга кўпайтирилиб, 20 млн. 533 минг дона тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, 2797 та янги иш ўринлари яратилди;

- балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 млрд. 500 млн. сўм кредит ҳисобидан 296 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда 405 тонна ёки 1 млрд. 200 млн. сўмлик балиқ маҳсулотлари етказилиб берилди;

- асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 млрд. 100 млн. сўм кредит ҳисобига 2525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та янги иш ўринлари ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 млрд. 200 млн. сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди.

- иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 9 млрд. 300 млн. сўмлик кредит эвазига 1499 та янги иш ўринлари яратилди ва 24 млрд. 700 млн. сўмлик маҳсулотлар истеъмолчиларга етказилди;

- 4796 та деҳқон ва фермер хўжаликларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мева ҳамда узум кўчатлари учун 9 млрд. 600 млн. сўм кредит ажратилди, бу кўрсаткич 2008 йилдагига нисбатан 38 %га кўпдир.

Жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк томонидан истиқбол режа тузилганда 2010-2012 йилларда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунда деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар хизмати меҳнатидан фойдаланган ҳолда нарх-навони пасайтиришга қаратилган дастур банкнинг барча 185 та туман филиаллари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган кредитлар ҳисобига 2009 йилга нисбатан 2 баробардан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, қайта ишланади ҳамда 2010 йилда 11928 та, 2012 йилда эса 16 782 та янги иш ўринлари яратилади. Иш ўринларининг қишлоқларда кўпайтирилиши учун юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликларининг тузилиши режалаштирилган.

Хулоса ва таклифлар

Курс иши деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масоаларига бағишланган бўлиб, қуйидаги хулосалар олинди ва таклифлар ишга чиқилди:

Деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- деҳқон хўжаликлари фаолият юритилишини тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

- деҳқон хўжалиги юридик (ҳуқуқий) шахс мақомида фаолият юритишларини рағбатлантирувчи механизмни такомиллаштириш;

- деҳқон хўжаликларини маҳсулот етиштириш, сотиш ҳамда уларга турли хизмат кўрсатишда фермер хўжаликлари билан тенг ҳуқуқий шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- деҳқон хўжаликларига ҳам ёлланма ишчилардан фойдаланиш имкониятининг яратилиши ва бу йўналишнинг ҳуқуқий жиҳатини таъминлаш. Чунки баъзи деҳқон хўжаликларининг аъзолари ўртача 7 кишидан иборат бўладиган бўлса, шундан 3-4 таси меҳнатга яроқли бўлмоқда ва қўшимча иш кучидан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда;

- деҳқон хўжаликларида (агар улар ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлсалар) шартнома муносабатларини шакллантириш ва бизнес-режа, истиқбол режа тузишни ўргатишни ташкил этиш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, деҳқон хўжаликларининг истиқболдаги ривожланиши ва даромадларини оширишнинг қуйидаги йўналишлари аниқланди:

- Деҳқон хўжалиги ихтиёридаги ер майдонларини кенгайтириш, агар бунинг умуман иложи бўлмаган жойларда деҳқон хўжаликларининг ихтисослашув турига ўзгартиришлар киритиш лозим;

- Деҳқон хўжаликларининг маҳсулот етиштириши учун барча имкониятларини яратиш, муаммолар ечимини топиш ва бунда кредит механизмларини такомиллаштириш;

- Деҳқон хўжалиги етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш механизмининг йўлга қўйиш;

- Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотларни сотиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар.- Т.:Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”// Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. – Т.: Шарқ 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июнь 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари.– Т.: Фан. 2003. – 7б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. // Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 12 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори.// Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т.: Фан. 2003. – 41 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январь
12. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабр.
15. И.А.Каримов Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил 21 янв./-Т.: Ўзбекистон, 2011.- 27-28 б

16. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, - 2004. – 143 б.

17. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси. 2004.- 304 б.

18. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Экстремум Пресс, 2011. – 416 б.

19. Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н. Қишлоқ хўжалигида инфратузилмани ривожлантириш масалалари // Республика илмий- амалий конференцияси маърузалари тўплами, Тошкент, 2010, 48-51 бетлар

20. Салимов Б.Т. ва б. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2004.–10б.

21. Ҳамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т.: Фан ва технология, 2010, - 148 б.

22. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси ҳисоботлари.

23. Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисоботлари.

24. http://www.usda_programs

25. <http://www.iuf.ru/>

26. <http://geliopax.tele-kom.ru>

27. <http://www.usaidmicro.org>